

Она илтимоси ва шайх мадади

Бир куни бир кари кампир Шайхнинг хузурига келиб, йиглаб-ёлвориб, деди:

- Ёлгизгина бир ўглим бор. Кўп муддатдурким, сафарга борибдур ва ўлик-тиригидан хабарим йўқдир, иштиёкидан бетокатмен.

Шайхнинг бу аёлнинг холига рахми ке-либ, мурокабага борди. Бирпас ўтиб, бошини кўтариб, деди:

- Уйингга бор, Тангри таоло ўглингни сенга еткургай!

Аёл уйига кайтди. Кўп фурсат ўтмасдан, бирор эшигини кокди. Чикиб, очса, ўгли экан.

Йиглаб кўришиб, сал ўзига келгач, ўглидан ахвол сўради. Угли деди:

- Бошингни кўтар!

Иог бошини кўтарди. Шайх сўради:

— Кимсан, каердан келдинг?

Жавоб беролмади. Такрор сўралғандан кейин деди:

- Шайх хайбатидан тилим сўзга айланмаётир.

Шайх деди:

— Уз тарикингда тортган риёзатлар натижасида нима хосил килдинг?

Йог деди:

- Ой фалакида парвоз килиш кувватим бор.

Шайх бўюрди:

- Хосил килганингни кўрсат!

Йог хавога караб учди. Шайх кафшини олиб, ортидан хавога отди. Йог кайси томонга учса, кафш унинг боши устида учарди ва бошига уриб тураарди. Окибат кафшнинг озоридан Шайх хизматига тушди ва имон келтириб, мусулмон бўлди.